



**PEDAGOGICAL SCIENCES
AND TEACHING METHODS
INTERNATIONAL
CONFERENCE**

**2022
17 OCTOBER**

АХМЕДОВ А.С КАРИМОВ Ш.А <i>ПОВЫШЕНИЕ КОНТАКТА ЦЕМЕНТНОГО КАМНЯ С ПОРОДАМИ СЛАГАЮЩИМИ СТЕНКАМИ СТВОЛА СКВАЖИН</i>	68
AHMEDOVA SAODAT TOSHBOLTAYEVNA ASFANDIYOROV JAVODBEK MIRZAALI O'G'LI FOZILOV NURILLO BAHROMJON O'G'LI <i>SIFILIS (ZAXM) KASALLIGI, UNING ALOMATLARI VA BIRLAMCHI OQIBATLARI</i>	73
SADIKOV MAKSUDBOY ABDULAJONOVICH <i>ISSUES OF INTRODUCING DIGITAL TECHNOLOGIES INTO THE LEGAL SYSTEM IN UZBEKISTAN</i>	76
И.И.АБДУЛЛАЕВ Х.К.ҚҮЛДАШЕВ <i>КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА БЕНТОНИТ ЛОЙҚАСИ, МАЪДАН ҲИТЛАР МЕЪЁРИ ҲАМДА СУҒОРИШ ТАРТИБИНИНГ ТАЪСИРИ</i>	81
E.V.XUJANOV S.E.AMIROV M.R.BOVOQULOV <i>FIZIKA DARSLARIDA CHET TILI ELEMENTLARINI O'RGANISH</i>	86
РАМБЕРГЕНОВА НАРГИЗА <i>ЗУЛЬФИЯ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ КРЕАТИВНОСТЬ ИССЛЕДОВАНИЕ</i>	89
RUXSORA QURBONBAYEVA <i>HAZORASP SHEVASIGA XOS QUSH VA HASHAROTLAR NOMLARINING O'RGANILISHI</i>	93
ЗАРНИГОР ДЖАЛИЛОВА БАХОДИРОВА <i>ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲИС-ТУЙҒУЛАРНИНГ “ҲИССИЁТ-БУ ЎСИМЛИК” КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРАСИ ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ</i>	96
ABDURAHMANOV ISFANDIYOR IXTIYOR O'G'LI <i>UYUSHGAN GAPLARNING O'ZIGA XOSLIGI</i>	100
ABDUMUTALOV XASANBOY DONIYORBЕК O'G'LI <i>SANGINA VA PASTEL TANLASH XUSUSIYATLARI HAQIDA</i>	103
SH.QARSHIBOYEV A.ESHONQULOV <i>TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARI ISHONCHLILIK VA YASHOVCHANLIK TASNIFI</i>	108
MUXIDDINOVA D BAYMURODOVA ZARINA <i>ARAB MA'RIFATPARVARLIK HARAKATIDA MUSTAFO AL-MANFALUTIYNING O'RNI</i>	111
АБДИРАЗАКОВА РОЗА ШРАЗАТДИНОВНА <i>СПОСОБЫ ВЫРАЖЕНИЯ АНТОНИМОВ В РАЗНО СИСТЕМНЫХ ЯЗЫКАХ (НА МАТЕРИАЛЕ АНГЛИЙСКОГО И КАРАКАЛПАКСКИХ ЯЗЫКАХ)</i>	116
ABDIRAZAKOVA ROZA SHRAZATDINOVNA <i>I.YUSUPOV TIŇ «WATAN TOPIRAGI» POEMASINDA APSAMED AXUN OBRAZI</i>	123
САИДОВ ИХТИЁР МИЗРАБОВИЧ ХАСАНОВ НУРМУҲАММАД ХАЙДАРАЛИ ЎҒЛИ <i>ВАТАНГА ҲАМДА АҶДОДЛАР АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚЛИК -ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАРБИЙЛАРИНИНГ ФАХРЛИ БУРЧИДИР.</i>	127
ASQAROV AZIMJON ODILJON O'G'LI <i>O'RTA ASRLARDA YEVROPADA GUMANISTIK G'OYALARNING SHAKLLANISHI VA EVOLUTSIYASI</i>	131
ОДИЛХУЖАЗОДА НИГОРАХОН БАХТИЁРЖОН КИЗИ <i>МЕТОДИКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ХИМИИ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ</i>	134
S.R.OCHILOVA M.R.OCHILOV E.O'.MURODOV	140

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲИС-ТУЙҒУЛАРНИНГ “ҲИССИЁТ-БУ ЎСИМЛИК” КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРАСИ ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ

Зарнигор Джалилова Баходировна

БухДУ, Инглиз тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Шеърятда бадиий образни яратиш ёки тавсифлаш учун гул турлари номларидан фойдаланишда унинг маъносини инсонга кўчириш, албатта, гул ва шахс орасидаги маълум шартли ўхшашликларга асосланади. Бундай қиёслашлар, метафоризация ҳодисаси инсон ҳис-туйғуларини тасвирлашда ҳам қўлланилади.*

Калит сўзлар: *фитоним, концептуал метафора, ҳиссиёт,*

Инсоннинг атроф олами тушуниш, англаш учун қўллайдиган концептуал тизимларининг лисонда қандай акс этиши тилшуносларнинг қизиқиш марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, концептуал метафоралар ҳақида илк изланишларни олиб борган Г.Лакоф ва М.Жонсенлар фикр, ҳиссиёт, муҳаббат, дўстлик, қайғу каби моддий кўринишга эга бўлмаган, тасаввур қилиш қийин абстракт концептларни кўпроқ оддий тушунчалар (basic concepts) нуқтаи назаридан тафаккур қилинишини таклиф қилганлар¹. Тадқиқотчилар фикрига кўра, метафоралар фақатгина тилга хос хусусият бўлмай, балки тафаккур қилиш ва англаш жараёнларига ҳам таалуклидир. Шунингдек, тафаккур маҳсули бўлган концептлар кундалик ҳаётимизга таъсир этиб, бизнинг ҳиссиётимиз, хатти-ҳаракатимиз, бошқа инсонларга бўлган муносабатимизни тизимлаштиради.² О.Есенева “Ҳиссиёт – бу ўсимлик” моделини инглиз ва хитой тилларида ўрганиб, ўсимлик ҳаётининг олти босқичини инглиз тилида “ҳиссиёт” тушунчасининг ифдаланишига боғлайди. Улар *seed (уруғ), germination (униб чиқиш), budding (куртак очиш), flowering (гуллаш), fruition (мева бериш), withering (сўлиш)*.³ Дарҳақиқат, кундалик ҳаётимизда қўллайдиган фикрларга эътибор қаратсак (“Қалбда муҳаббат *уруғи унди*”, “Улар орасида дўстлик *ниш отди*”, “Унинг илк севгиси *куртак очди*”, “муҳаббат *меваси/нафратнинг аччиқ меваси*”, “Ишқи *сўлди/иштиёки сўлди*”), ўсимликлар ҳис-туйғуларни ифодалашга хизмат қилганлиги кузатилади. Олима ҳис-туйғулар худди ўсимликлар сингари, нимадир таъсирида пайдо бўлиб (уруғ) ривожланиши (куртак очиш), ривожланишнинг чўққисига етиши (гуллаш), қандайдир

¹ Лакоф Г., Жонсен М. Метафоры, которыми мы живем. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.

² Лакоф Г., Жонсен М. Метафоры, которыми мы живем. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 25.

³ Esenova O. Plant Metaphors for the Expression of Emotions in the English Language. 2006. URL:

натижага олиб келиши (мева солиш) ва сўлиши мумкинлигини айтиб ўтади. Зеро, эмоциялар ўсимликлар каби ҳаракатли жараёнда бўлади, яъни улар доимо бир хил турғун бўлмайди. Инсон баъзан хурсанд, баъзан хафа, баъзан қувончга тўлган, баъзан эса тушкунликка тушган бўлади.

The corn, that in the ground is sown, first dies,
And of one seed do many ears arise;
Love, this world's corn, by dying multiplies.⁴

М.Драйтенниг “Verses Made the Night before he Died” шеърида муҳаббат макка уруғига (corn) қиёсланади. Ўсимлик ҳаёт циклининг биринчи икки босқичи тасвирида қўлланилган “corn, seed, sew, arise” (макка, уруғ, эсмоқ, унмоқ) сўзлари асли муҳаббат ҳиссининг пайдо бўлиши ва ортишини ифодаламоқда. Муҳаббат тушунчаси ўсимлик концепти асосида тузулган (ҳақиқий реал ўсимлик йўқ). Шоир бир уруғдан бир неча барглари қулоч очиб чиқишини, севги ҳам макка уруғи каби кўпайишини айтади.

Шеъриятда шоирларнинг ҳаёт кечинмалари, қалбларидаги армонлари акс этади. Айниқса, бундай руҳий ҳолатлар яқин инсонларини йўқотганда юракдан куйилиб келган мисраларда намоён бўлади. Яқин дўстидан айрилганда А.Теннисен шундай ёзади: “From land to land; and in my breast Spring wakens too; and my regret Becomes an April violet, And buds and blossoms like the rest”.⁵ Парчада *My regret becomes and April violet* (афсус, армон апрель ойи бинафшаси бўлди) концептуал метафорасини учратамиз. Ушбу ҳиссиёт интенсификацияси, ривожланиши *buds and blossoms* сўзлари орқали ифодаланмоқда. Қизиғи шундаки, юқорида келтирилган мисол, одатда, гул метафоралари кучли ижобий баҳо билан ассоциация қилинади деган фикрга қарши келмоқда. Гарчи, “*April violet, buds and blossoms*” сўзларининг ўзи ижобий ҳиссиётларни уйғотсада, матн дискурсида у шоирни қийнаган афсус-надомат туйғусининг тобора кучайиб бораётганлигини ифодалаб келган. Э.Воҳидов шеърида эса афсус ҳисси анорнинг эзилишига қиёсланиб, шоирнинг руҳий изтиробларини кўрсатади “Аммо – Дадам қайтгани йўқ, уни эсласам, Анор донасидек эзилар юрак.”⁶ Анор ҳажми ва ранги жиҳатдан юракни эслатади, унинг суви эса қоннинг тусида бўлади. Анор эзилганда чиқадиган шарбати юрак қонини хаёлга келтиради. Анорнинг сиқилиши жисмоний ҳаракат ва у ташқи таъсир, куч остида содир бўлади. Қалб сиқилишига ҳам маълум ташқи воқеалар, ҳодисалар сабаб бўлади ва бу инсонга руҳан таъсир ўтказади, қалб дард чекади.

Руҳий тушкунлик, кераксизлик, муҳаббатда тарк этилганлик ҳисси барглари тўқилган ёки қуриётган дарахтга ўхшатилиши мисолларда кўринади.

⁴ Gardner H. The New Oxford Book of English Verse. – New York: Oxford University press, 1985. – P.283.

⁵ Gardner H. The New Oxford Book of English Verse. – New York: Oxford University press, 1985. – P.652.

⁶ Воҳидов Э. Муҳаббатнома. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.451.

С.В.Релейнинг “Walsingham” мисраларида бутун умр севган ёрига энди кераксиз бўлиб қолганлигини “муҳаббат қуриган дарахтдан тушган мевани ёқтирмайди” деб таърифлайди.

I have loved her all my youth,
But now old as you see,
Love likes not the falling fruit
From the withered tree.⁷

Ҳижрон азобидан қийналиб тушқунликка тушган ошиқ юзи “барги хазон”га қиёсланганлиги Э.Воҳидовнинг “Дилдорга нома ёздим” номли шеърида ҳам учрайди. Баргнинг сарғайиши:

Барги хазонни олиб
Ёнига қўйгину айт:
Бу ошиғинг юзи деб
Ҳижрон деган балода

С.Дениэл “Love is sickness” (“Муҳаббат– касаллик”) шеърида ишқни “қирққан сари баланд унадиган ўсимлик” деб таърифлаган бўлса (*Love is a sickness full of woes, All remedies refusing; A plant that with most cutting grows, Most barren with best using. Why so?*), Э.Бронте муҳаббат ва дўстликни таққослаб, бирини наъматак (rose-briar), иккинчисини эса муқаддас дарахтга (holly-tree) қиёслаган. Севги наъматак каби ёзда маълум муддат гуллайди, бироқ муқаддас дарахт ҳамиша яшил тусда бир хил туради. Ўсимликларнинг шу хусусиятлари инсоний муносабатларга ҳам тегишлилиги мажозий тасвирланган.

Love is like the wild rose-briar,
Friendship like the holly-tree—
The holly is dark when the rose-briar blooms
But which will bloom most constantly?
The wild rose-briar is sweet in spring,
Its summer blossoms scent the air⁸;

У.Спенсернинг “The Bower of Bliss” шеърида инсон умри, ёшлик гуллаган атиргулга ўхшатилиб, бу даврни қадрига етишга даъват этилган (*Of many a ladie, and many a Prmowre: Gather therefore the Rose, whilest yet is prime, For sooner comes age, that will her pride deflower:Gather the Rose of love, whilest yet is time.*). Худди шундай маъно Ж.Хербертнинг “To the Virgins” асарида ҳам кузатилади (*Gather ye rosebuds while ye may, Old Time is still a-flying: And this same flower that smile today. Tomorrow will be dying.*)

Хулоса қилиб айтганда, гуллар қиёсий манба сифатида кўпроқ муҳаббат ҳисси ва унинг изтиробларини ифодалаши икки тил шеъриясида ҳам кузатилади. Айниқса, бундай ҳолатлар ўз спецификасига эга атиргул ва унинг

⁷ Gardner H. The New Oxford Book of English Verse. – New York: Oxford University press, 1985. – P.112.

⁸ <https://www.poetryfoundation.org/poems/50537/love-and-friendship>

хусусиятлари (унинг чиройли гули, гуллаш вақтининг чекланганлиги, тиканлари) орқали тавсифланиши намоён бўлади. Шу билан бирга, инсон ички кечинмалари, хиссиётлари, рухий ҳолати ҳам фитонимлар воситасида образли тасвирланади.

ФОЙДАЛанилган адабиётлар рўйхати:

1. Лакоф Г., Жонсен М. Метафоры, которыми мы живем. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 25.
2. Esenova O. Plant Metaphors for the Expression of Emotions in the English Language. 2006. URL:
<http://search.live.com/results.aspx?q=plant+metaphor&filt=all&first=11&FORM=PERE>
3. Gardner H. The New Oxford Book of English Verse. – New York: Oxford University press, 1985. – P.780.
4. Вохидов Э. Мухаббатнома. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.480.
5. <https://www.poetryfoundation.org/poems/50537/love-and-friendship>
6. Djalilova, Z. B. (2020). FLORA IN EDMUND SPENSER'S POETRY. *Theoretical & Applied Science*, (4), 371-375.
https://www.elibrary.ru/page_404.asp?qx=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D42831520.
7. Bakhodirovna, D. Z. (2021). Description of Human Features and Feelings through Flora in English Poetry. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(10), 6-9.
<https://cajlp.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/209>.
8. Zarnigor, D. (2021). Phytonymic comparison as a means to create image in poetry. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 693-698.
<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=9&article=118>.
9. Djalilova, Z., & Ўраева D. (2021). ОПИСАНИЕ ЛЮБВИ И ЖИЗНИ ЧЕРЕЗ ФЛОРУ В АНГЛИЙСКОЙ ПОЭЗИИ XX ВЕКА. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 1(1). Извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/687